

● Боливия ҳукумати Гаагадаги Халқаро судга даъво аризаси билан мурожаат этмоқчи. Ҳукумат мамлакатнинг денгизга чиқishi йўлини тиклашни талаб қилмоқчи. XIX асрда Чилига қарши кечган урушда Боливия денгизга чиқishi йўлидан маҳрум бўлган. Халқаро судга даъво аризаси тез орада берилиши кутиляпти. Жумладан, Боливия ташқи ишлар вазири 20 апрелдан бери Гаагада бўлиб, зарур ҳужжатларни тайёрлаш билан шугулланмоқда.

Давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида эришган улкан муваффақиятларимизни бугун жаҳоннинг тараққий этган давлатлари ҳам эътироф этмоқда. Бу ютуқлар замирида келажаги буюк давлат қуриш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улугвор гоа турибди.

Ўтган йиллар ичида мамлакатимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлабгина қолмай, жўшқин тараққиёт йўлига чиқиб олди. Буларнинг барчаси Ўртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самараси дейишга тўла асос бор.

Давлатимиз раҳбарининг ислохотлар ислохотлар учун эмас, энг аввало инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганини қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, ислохотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг мустақиллик меваидан тўла баҳраманд бўлишлари қаратилгандир.

Ана шу мақсадда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ бўлган бу тизимни ислох қилишга умумда давлат аҳамиятига молик масалалардан бири сифатида ёндашилди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган миллий қонунлар яратиш, бунда асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминла-нишига қаратилди.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатли таъминлаш ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифалари қаторига қиради. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта қўриб чиқилди.

Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоялашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ишлар кўлами ва самарадорлиги сўнгги ўн йилликда кенгайиб, янги босқичга кўтарилди.

Бу босқичда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма йиғилишида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида қилган маърузаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, мазкур Концепциянинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлди.

Энг муҳими, ҳуқуқий тафаккури ўзгариб ва янгиланиб бораётган фуқароларимиз жамиятдаги туб ислохотларга бефарқ эмас, аксинча, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи фаол кучга айландилар. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўтмиши, бугунги кун ва келажакни тасаввур қила олган фуқароларимиз улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда.

Ҳусусийлаштиришга бўлган эътибор, мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида давлатимиз то-

монидан яратилаётган имтиёзлар, имкониятлар меҳнатсевар халқимизга ҳар жихатдан кўтаринки кайфият ва шижоат бағишламоқда.

Биламизки, прокуратура органлари зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари, шунингдек, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифалар юклатилган. Бугунга ке-

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

либ, бу борадаги изчил фаолият ҳамда ҳуқуқий ислохотлар самараси ўлароқ, кишилар онгида прокуратура ҳақидаги тасаввур кескин ўзгарди. Эндиликда фуқаролар мазкур тизимни қонун ҳимоячиси деб билиб, ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси масаласида унинг кўмагига таянмоқдалар.

Асосий Қонунимизда ҳар бир шахс ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам қабул қилиниб, унда мурожаатлар билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда қонунларга қатъий риоя қилиш, бирорта ҳам қонун бузилиши ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслик, ҳаттоларни тезда тузатиш чораларини кўриш, мурожаатларини ҳал этишда қонун ва фуқаролар манфаатлари устуворлиги тамойили асосида иш юритиш аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Бектемир туман прокуратураси томонидан ҳам фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларига даҳл қилинган ҳар қандай ҳолатда тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Мисол учун, фуқаро Т.Ю. ва бошқаларнинг туман прокурори номига ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилганда, туманда фаолият кўрсатувчи «Asklepiy-Swift» кўшма корхонаси МЧЖ масъул ходим-

лари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилувчи ҳатти-ҳаракатлар содир этилгани аниқланган.

Жумладан, аризада кўрсатиб ўтилганидек, фуқаро Т.Ю. мазкур корхонага электр-газ пайвандчиси вазифасига ишга қабул қилинган, аммо бир ой ўтиб, тегишли буйруқ билан ишдан бўшатилган. Аризачи ушбу буйруқдаги унга тегишли имзолар қалбакилаштирилгани, шунингдек, унга ишлаган даври учун ойлик маош берилмаганлигини билдирган. Ўтказилган судга оид хатшунослик экспертизасининг хулосасига кўра, ҳақиқатан ҳам мазкур ҳужжатлардаги имзоларнинг фуқаро Т.Ю. томонидан эмас, бошқа шахслар томонидан қўйилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, корхона ходимларига ойлик маошларининг ўз вақтида тўланмай келинаётгани ҳолати бўйича корхона раҳбарларига нисбатан маъмурий жа-вобгарликка оид иш қўзғатилган.

Шу каби, туман прокуратураси томонидан фуқаро Қ.Ш.нинг «Б.К.Интранс» хусусий корхонаси-дан иш ҳақини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган ари-заси кўриб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам фуқаро Қ.Ш. Бектемир туманидаги «Б.К.Интранс» хусусий кор-хонасига ишчи вазифасига қабул қилинганлиги аниқланди. Аммо кор-хона директорининг буйруғига асо-сан Қ.Ш. билан тузилган меҳнат

шартномаси бекор қилинган, лекин бу буйруқ нусхаси унга тақдим этилмасдан Меҳнат кодексининг 108-мод-даси талаблари бузилган. Бундан ташқари, Қ.Ш.нинг ўтган давр ораллигидаги 477 минг 516 сўм миқдори-даги иш ҳақи ўз вақтида берилмаган. Бу билан Меҳ-нат кодексининг 154, 161-моддалари талаблари, фу-қаронинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Қонун бузили-шига йўл қўйган корхона мансабдор шахсларига нис-батан тегишли чора қўрилган. Текшириш жараёнида фуқаро Қ.Ш.нинг иш ҳақлари корхона томонидан тўлиқ тўлаб берилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг тўлиқ таъминланиши, энг аввало ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг ўзига, унинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Конституциявий ҳуқуқла-рини англаб етган, қонунларга ҳурмат билан муноса-батда бўлган фуқаро ҳеч қачон адашмайди.

Шу маънода, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат, қонунбузилишларга эса муросасизлик руҳида тарбиялаш борасидаги иш-ларимиз ҳам аниқ режа асосида ташкиллаштирил-ган. ОАВ орқали қилинган чиқишлардан ташқари, ту-манимиздаги маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона-ташкilotларда ўтказилаётган мулоқот ва уч-рашувларда юрдошларимизга қонунчилиқда бўлаёт-ган ўзгаришлар ҳамда юртимизда амалга оширила-ётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти батафсил ту-шунтирилмоқда.

Зеро, Ватанимизнинг тараққиёти ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жihatдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Шухрат МУҲАМЕДОВ,
Бектемир туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Анжуманлар

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг катта мажлислар залида «Аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини томонидан Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинар-тренингда ҳудуддаги туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисла-ри, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйи-ча маслаҳатчилари, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» фаоллари, «Маҳалла» хай-рия жамоат фонди, Савдо-саноат палата-си, адлия, ички ишлар, прокуратура, суд органлари вакиллари, Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқла-ри бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳуду-дий вакили, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган ННТлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ташкил этишда асосий мақ-сад аёлларнинг ижтимоий фаоллиги, сиё-сий, ҳуқуқий маданиятини янада юксалти-риш ҳамда уларнинг давлат ва жамият бо-шқарувидаги иштирокини кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама этишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, республика бўйича аёллар жамоат ташки-лотларининг фаолиятини кучайтириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидаги ролини ошириш, хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал ўсишини таъминлаш давлат ва жамият олдида турган устувор вази-фалардан бири бўлиб, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ка-фолатловчи ҳуқуқий асос яратилган ва уларнинг оила, жамиятдаги ролини оши-риш, ҳар томонлама ривожланиши учун барча шароитлар мавжуд.

Тадбир иштирокчилари аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйи-ча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларида барҳам бериш тўғри-сидаги Конвенция, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг «Ўзбекистон Респу-бликасининг давлат ва ижтимоий қурили-шида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбеки-стон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини

қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар билан танишдилар.

Тадбир давомида аёлларнинг ҳуқуқий билимлари, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, аёл-лар ташкилотларининг жамиятдаги роли-ни кенгайтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол авлод-ни шакллантириш самарадорлигини куч-айтириш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш лозимки, семинар-тренинг замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, иштирокчилар тегишли мавзуга оид ма-териаллар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, тадбир иштирок-чилари томонидан уч гуруҳга бўлинган ҳолда «Аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб масала-лари», «Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фа-оллигини ошириш масалалари» ҳамда «Аёлларнинг жамиятда фаоллигини оши-риш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва фу-қаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги» мавзуларида интерактив тре-нинглар ўтказилиб, улар ўз тақлиф ва му-лоҳазаларини билдириб ўтишди.

Семинар-тренингда экспертлар томони-дан аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий мада-ниятини юксалтириш соҳасида миллий қонунчилик ва амалий тажриба, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, аёл-лар жамоат ташкилотларининг фаолияти очиб берилди.

Семинарда хотин-қизлар қўмитасининг ҳойлардаги вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ди-ний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-бия масалалари бўйича маслаҳатчилари, тадбиркор аёллар ўртасида аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси-ни аниқлашга қаратилган ижтимоий сўров ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)



ЁШ БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловнинг биринчи босқичи ту-манлар, иккинчи босқичи вилоят-лар ва Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилди.

Яқуний — республика босқичига вилоятлардан барча йўналишлар бўйича биринчи ўринни эгаллаган иштирокчилар тақлиф этилиб, солиқ саводхонлиги бўйича ўз билим ва иқтидорларини яна бир бор намоийш этдилар. Танловнинг ҳар бир бос-қичида ғолибларни солиқ хизмати, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази вакилларида иборат ҳайъат аъзолари гуруҳи аниқлаб берди. Бунда ҳайъат томонидан ҳар бир иштирокчининг солиқ саводхон-лиги ҳамда илмий салоҳияти баҳо-ланди.

Тошкент солиқ коллежининг 3-босқич ўқувчиси Абдор Раҳимов академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иншо йўналишида ғолиб бўлди.

— Мазкур кўрик-танловда иншо йўналиши бўйича билимларимни синаб кўрдим ва ғолибликни қўлга киритдим, — дейди у. — Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривож-и бевосита солиқлар билан боғлиқдир.

Бугунги кунда юртимизда тадбир-корлик субъектларига кенг имко-ниятлар яратилмоқда. Ўз иншоим орқали мен солиқ маданиятини ошириш, тадбиркорларга кўрсати-лаётган имтиёزلарни кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим. Мамла-катимизда солиқ сиёсатида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу кўрик-танлов орқали солиқ соҳа-сидаги билимларини янада бойи-тишга эришдим. Келажакда Солиқ академиясига ўқишга киришни ният қиламан.

«Солиқ билимлари — болалар-га!» Республика кўрик-танлови 1-4-синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасви-ри», 5-9-синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Ўзбекистон Республика-сида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иншо, «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфлана-ди?» мавзусидаги энг яхши компью-тер тақдими йўналишлар бўйича ўтказилди. Танлов якунида ғолиб-ларга ташкилотчилар томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислон Исмоилов олган сурат

СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари»га бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда оммавий ахборот воситалари, ноширлик, мат-баа соҳаси раҳбарлари ва журналистлар иштирок этди. Тадбир давомида мамлакатимизда демократик жара-ёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиё-сий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлиги ҳамда ён-атрофда содир бўлаётган во-қеаларга ўз муносабатини эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлаш, қолаверса, юртимизда амалга оширила-ётган бунёдкорлик ишлари моҳиятини жаҳон ҳамжа-миятига етказиш каби эзгу мақсадлар хусусида фикр юритилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти ва инвестицион имкониятлари изчил юксалиб бораётгани оммавий ахборот восита-лари, нашриётлар ҳамда матбаа корхоналарини дав-лат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бераёт-ганлиги диққатга сазовордир.

— Бугунги анжуманда матбуот ва ахборот агентли-гининг фаолияти ва республикамизда иш олиб бора-ётган нашриётлар ҳақида сўз юритилди, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош му-ҳаррири Мухиддин Омонов. — Шу билан бирга но-ширларимиз, матбаачиларимиз олдида турган вази-фалар ҳақида фикрлар билдирилди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон матбаачилиги, ноширчилигининг тараққиёт йўллари, соҳанинг ривожланиш тенденциялари, бос-қичлари ўзига хос тарзда таҳлил этилди. Республи-камизда фаолият юритаётган нашриётлар маҳсулот-лари ҳақида ҳам сўз борди. Сўнгги йилларда респуб-ликаимизда чоп этилган китобларнинг матбаа ижроси, улардаги безаклар, рассомлар, муҳаррирларнинг меҳнати таҳлил этилди. Анжуманда нашриётларимиз фаолияти атрофлича ўрганилди, таҳлиллар жараёни-да сўнгги йилларда ўз фаолиятлари давомида мавжуд стандарт талабларига номувофиқ китоблар чоп этаёт-ган нашриётларга қиртилган тақдимома, агент-лик томонидан олиб борилаётган мониторинг, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида фикрлар алмашилди, соҳада амал-га оширилаётган ислохотлар, яратилаётган шарт-ш-роитлар, иқтисодий имкониятлар кайд этилди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бир қатор нашриётларимиз МДХ давлатлари орасида ўтказила-диган аънанавий Россиянинг Москва «Китоб санъати» кўргазма-ярмаркасида, Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида, Хитой, Эрон, Германия давлатларидаги халқаро китоб ярмаркаларида энг нуфузли диплом ва Гран-при совринларига сазовор бўлмоқда.

Агентлик томонидан «Йилнинг энг яхши китоби» республика кўрик-танловини ўтказиш аънанаси айлан-ган. Бу йил ҳам республика нашриётлари ўртасида «Ижтимоий-сиёсий адабиёт», «Ватан тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «Арт-китоб» номинациялари бўйича IV кўрик-танлов-ни ўтказиш режалаштирилган.

Республика оммавий ахборот воситаларининг бу-гунги ҳолати ва ривожланиш динамикасининг таҳли-ли шуни кўрсатишдаки, ахборот соҳасини янада ли-бераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қарат-тилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар соҳани фаол ривожлантиришга хизмат қилмоқда ҳамда ОАВ давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар очкилигини таъминлаш бил-лан фуқаролик жамияти институтлари тизимида тобо-ра муҳим ўрин тутмоқда.

Анжуманда мустақиллик йилларида истеъмол бо-зорини республикамиз матбаа корхоналарида ишлаб чиқарилган маълум турдаги ўқув қуроллари билан таъ-минлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, матбаа ва ноширликни янада ривожлантириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир ташкилотчилари йиғилганларни соҳада олиб борилаётган ишлар, шу билан бирга агентлик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри матбуот хизматлари учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот олишга бўлган конституция-вий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган семи-нарлар ташкил этилаётгани, маҳаллий давлат ҳоки-мияти органларининг 70 дан ортқ веб-сайтлари ор-қали ахборот олишининг очкилигини таъминлаш юза-сидан тегишли чоралар кўриш йўлга қўйилгани бил-лан таништиришди.

Бугунги кунда нашриёт ва матбаа корхоналаримиз замон талабларига мос равишда ривожланимоқда. Тад-бирда таъкидланишича, ноширлик фаолиятини ли-цензиялаш комиссиясининг қарорларига мувофиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 107 та нашриётга лицензия берилган ва улар давлат реестрига киритилган. Барча нашриётлар билан ли-цензия битимлари имзоланган.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томони-дан Ўртбошимизнинг «Адабиётга эътибор — келажак-ки, маънавиятга эътибор» номли рисоласидаги ўзбек-тили ва адабиётини ривожлантириш орқали халқ маъ-навиятини юксалтириш, Ўзбекистоннинг миллий адаби-ёт орқали дунёга тараннум этиш борасидаги вазифа-лар ижросини самарали таъминлаш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республика-си ҳамда республиканинг вилоят марказларида «Ада-биётга эътибор — келажакки, маънавиятга эътибор» шиори остида «Китоб байрами» ижтимоий-сиёсий, ма-рифий тадбирини ўтказиш режалаштирилгани айтиб ўтилди. Шу ўринда айтиш лозимки, «2010-2013 йил-ларда Ўзбекистон Республикасининг ноширлик ва мат-баа фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарни модернизация қилиш дастури» доирасида биргина «Ўзбекистон» ва «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий ўйларидега замонавий технология асосида босма қолип тайёрлаш ускуналари ҳамда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида йилга бир сменада 40 милли-он нусхада мактаб дафтарлари ишлаб чиқариш имко-нини берадиган «Ленио Матик» (Хиндиштон) ускунаси ишга туширилиб, жами 917,5 минг АҚШ доллари миқ-доридега маблағ инвестиция қилинди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволлар-га жавоблар қайтарилди.

Зохид РАҲИМОВА



Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

ИЛҲОМ, ИЖОД ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

**Тошкентда «Тасвирий санъат фестивали» ҳафталиги
яқунланиди.**

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида 22-26 апрель кунлари «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу санъат байрамидан голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатик корпус вакиллари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртоҳиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида тасвирий санъатимиз изчил ривожлантирилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Бадий академияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида бу йил ўнинчи марта ташкил этилган «Тасвирий санъат фестивали» ҳафталиги ёш авлоднинг истиклол йилларида миллий тасви-

рий санъатимиз ривожига эришилган ютуқлар билан таништириш, нафосат оламига меҳри баланд ёшларнинг ижодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фестиваль доирасида Марказий кўргазмалар зали, Тасвирий санъат галерейси, Халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент Фотосуратлар уйи каби масканларда ўтказилган тадбирларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган мусаввирлар, ҳайкалтарошлар ўзаро фикр ва тажриба алмашди. Шу каби санъат ҳафталиклари бир вақтнинг ўзига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам бўлиб ўтди.

Нафосат, гўзаллик, маънавият ва санъат байрамига айланган ушбу фестивал кунларида Ўзбекистон Бадий академиясига туташ хиёбонлар, яшил майсазорларда ижодкор ўқувчилар жонажон Ватанимиз шаҳар қишлоқлари, мафтункор табиати, оила, мактаб манзараларини тасвирладилар. Ёш ҳунармандлар шу ернинг ўзига – томошабинлар кўз ўнгига миллий ҳунармандлик буюмларини тайёрлади. Мохир рассомлар, санъатшунос

олимлар, уста ва ҳунармандлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, мулоқот ва ўқрашувлар ёш мусаввирлар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Марказий кўргазмалар залида рассомлар, уста ва ҳунармандларнинг Обод турмуш йилга бағишланган асарлари намойиш этилди.

Фестивалда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Республика дизайн, рассомлик коллежлари, Республика иқтисодлаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчи-ёшлари ижодига бағишланган кўргазмалар бўлиб ўтди. Миллий либослар намойиши ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Санъатшунослар, рассомлар, профессор-ўқитувчилар иштирокидаги «Ўзбекистон замонавий санъатида анъана ва янгилик масалалари» мавзусидаги конференцияда нафис санъатни янада ривожлантириш, рассомлар, уста ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, бой анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлаш хусусида сўз борди.

– Тасвирий санъат фестивалидан унутилмас таассуротлар олдим, – дейди ЎЗА мухбирига Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти амалий санъат факультети талабаси Сўғдиёна Жабборовна. – Бу биз, ёшларни янада кўпроқ изланишга, ижодий жараёнга жиддий муносабатда бўлишга ундайди.

Назозат УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Тафаккур синовлари» республика танлови юксак билимли ва маънавиятли ёшларни рабатлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таълим

ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўтган мазкур танловнинг саралаш bosқичида Тошкент молия институти, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари иштирок этди.

Танлов иштирокчилари мамлакатимиз тарихи, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ҳуқуқ ва таълим тизими, жамиятимиздаги барқарорлик ва миллатлараро тотувлик асосларига оид саволларга жавоб қайтардилар. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлиб, танловнинг финал bosқичига йўл олди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕНАЗИР АЛЛОМАСИ

**Астрономия фанининг тараққиётида
буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг
хизматлари беқиёс.**

Айниқса Мирзо Улуғбек томонидан илмий мерос сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган «Зижи Кўрагоний» асарининг юлдузлар илмини ўрганишдаги аҳамиятини ёш астрономларга ўргатиш фойдадан холи эмас.

Темурийлар тарихи Давлат музейида «Халқимизнинг беназир алломаси» мавзусида тарихчи олимлар ҳамда астрономия фанига қизиқувчи ёшлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган олимлар ва ёшлар илм-фан ривожига темурийлар даврида қўшилган улкан ҳиссанинг аҳамияти, айниқса, Мирзо Улуғбек даврида Самарқанднинг илм-фан, маданият маркази сифатида доғруқ таратганлиги, Мирзо Улуғбек ҳамда унинг сафдошлари томонидан 1018 та юлдузнинг осмон харитасидаги ўрни аниқланганлиги, бу кашфиёт хозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаганлигини таъкидлашди ва бу каби давра суҳбатларини ҳар бир илм масканида тез-тез ўтказишга келишиб олишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Телевидениени бежиз «ойнаи жаҳон» деб номламаймиз. Зеро, бутун жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, мамлакатимизнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан танишишда телевидениенинг ўрни катта. Шунингдек, турли дам олиш дастурларини ҳам телетомошабинлар севиб томоша қилишади. Шулар қаторида НТТ канали орқали ҳар ҳафтада мунтазам бериб борилаётган «Дийдор ширин» кўрсатувини мухлислари сони тобора ошиб бормоқда. Бизнинг ушбу дастур бошловчиси, «Сўз сеҳри», «Ёр кўчаси», «Мен интилган манзил» каби шеърӣ ва публицистик китоблар муаллифи, тележурналист Муслимбек Йўлдошев билан суҳбатимиз ҳам ушбу дастурнинг тайёрланиш жараёни, муаллифлари, келгусига мўлжалланган режалар хусусида борди.

— Муслимбек ака, ушбу кўрсатувнинг қандай юзага келганлиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон телевидениесига эллик йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатиб келаётган бошловчи ва суҳандон Насиба Мақсудова кўрсатув госянининг муаллифи ҳисобланади. Бундан 5 йил муқаддам ушбу кўрсатув илк бор экран юзини кўрган.

— Кўрсатув нима учун айнан «Дийдор ширин» деб номланган?

— Юртимизда бутун умр халқ хизматида бўлган адиблар, санъаткорлар, хонанда ва созандалар кўп. Тўйлар, байрамлар, турли сайилларда хизмат қилиб келганлар. Улар озгина вақт кўринмай қолсалар, турли миш-мишлар, ҳар хил гап-сўзлар тарқалади. Насиба опа шундай эл ардоғидаги инсонлар билан бир пиёла чой устида дийдорлашиб, дилдан суҳбат қуриш мақсадида ушбу госяни илгари сурганлар ва у ҳаётга татбиқ этилди. 2-3 та кўрсатув тайёрланганидан кейин мухлислардан миннатдорлик хатлари кела бошлади. Ўз-ўзидан кўрсатувнинг номи ҳам «туғилди». Аввал «Согинч», кейин «Дийдор» деб аталди ва ниҳоят «Дийдор ширин» бўлди. Кўрсатув экран юзини кўрганга 5 йил ўтган бўлса, мен икки ярим йилдан буён унга бошловчилар қилиб келяпман.

— Кўрсатув қизиқарли, сермазмун, қутилмаган ўқрашувларга бой тарзда тайёрланаётгани учун мухлислари сони тобора ошиб бораётган бўлса керак?

— Дарҳақиқат, кўрсатувнинг мухлислари кўп. Ҳар гал ишга келганимизда 5-10 тадан хат оламиз. Бироқ телефон кўнғироклари кўп. Унда телетомошабинлар фикр-мулоҳазаларини айтиб, таклифларини билдиришади ва келгуси дастурларни тайёрлашда ушбу таклифларни албатта инобатга олишга ҳаракат қиламиз. Гапнинг индаллосини айтганда, бир кишининг илтимоси билан таклиф этилган адиб ёки санъаткорнинг ташрифидан барча мухлислар хурсанд бўлишади.

— Таклиф этилганларнинг ҳаммаси ҳам келадими?

— Албатта, халқ сўраётганини айтиб, илтимос қилган ҳолда кўрсатувимизга созанда, хонанда

ва санъаткорларни таклиф қиламиз. Хоҳлаб, интилиб келишади. Масалан, «Сўраган эдингиз» саҳифаси мухлисларнинг хатлари ва кўнғироклари асосида тайёрланади. Чунончи, мухлислар илтимосига биноан кейинги пайтларда «ойнаи жаҳон» орқали чиқмаётган, бироқ халқ қалбидан ўрин олган Дилором Соипова, Дилобар Жалолова, Холисхон Қодирова, Марғуба Собирова сингари

«ДИЙДОР ШИРИН» ОРҚАЛИ ДИЙДОРЛАШАЙЛИК

санъат усталарининг чиқишларидан баҳраманд бўлган телетомошабинлар ниҳоятда шод бўлишди. Ўзбек эстрадада тамал тошини қўйганлар сирасига кирувчи Юнус Тўраев, Раъно Шариповаларнинг чиқишлари ҳам томошабинларга хузуз бағишлади. «Йўқлов» саҳифаси учун Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошева, Тўйчи Ориповларнинг уйларига бордик. Бундан ташқари «Мухлислар ижоди», «Бир қўшиқ тарихи», «Бир сурат тарихи», «Таниш чехралар» каби ранг-баранг саҳифалар ҳам бор.

— Ижодий гуруҳ республикаимизнинг турли вилоятларига ҳам боряпсизлар.

— Албатта, таклифлар тушаётганлиги, жойларда кўрсатувимизнинг мухлислари кўпчилиги сабабли Фарғона, Қўқон, Эллиқалъа шаҳарларида бўлдик. Ҳозирда Андижон, Самарқандга чақирмишяпти. Ҳозирда у ерларга боришим режалаштиряпмиз. Қаерга борсак, сўзни раҳмат ва дуо қилишдан бошлашади. Яқинда қизиқ воқеа бўлди. Инсонийлик бурчимни ўташ учун дафн маросимига боргандим. Ҳатто шу ерда ҳам «Дийдор ширин» кўрсатувини эслашиб, мухлислар ўзларини қизиқтирган саволларини беришди. Кўрсатувнинг ҳар бирини кўриб мазза қилиямиз дейишди. Тўй-ҳашамларни гапирмаса ҳам бўлади.

— Кўрсатув дастурини ўзгартириш режаларингиз ҳам борми?

— Тўғри, шундай таклифлар ҳам бўляпти, бироқ одамларнинг ўзлари ўрганган, қабул қилинган эталонимиз бор. Агарда ўзгартириш киритсак, томо-

шабинларни йўқотиб қўйишимиз мумкин. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини эсланг. Ахир иктидорли артист Карим Хонкелдиев кўрсатувнинг биринчи олиб борувчиси бўлса, охиригача унинг йўналиши ўзгармаганди. Томошабинлар ҳар доим унинг янгисини ортиқча қуттишарди. Бизда ҳам шундай. Ҳатто ресторандан ташқарига чиқишнинг таклиф қилаётганлар ҳам бўляпти. Бизнингча, камтарин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида тайёрланаётган кўрсатувларимиз халққа манзур бўляпти ва унга ўзгартириш киритишнинг ҳождати йўқ.

— Кейинги йилларда нодавлат нотижорат телеканалларнинг ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ушбу каналлардаги «Парвоз завқи», «Чой устида», «Ошга марҳамат», «Дилкаш лаҳзалар», «Ўлфатлар» каби кўрсатувлар ҳам ўзларининг кўплаб мухлисларига эга.

— Ўзбекистон «ойнаи жаҳон»ида 33 йилдан буён фаолият кўрсатаётган тележурналист сифатида шуни айтишим мумкинки, республика телевидениеси 1956 йилдан бошлаб бугунги кеча-кундуз узлуксиз кўрсатувлар бериб бориладиган замонавий даражага етгунга қадар бир неча ўнлаб йиллар ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон телерадиоканалларини ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Нодавлат нотижорат каналлар эса ташаббускорлар кучи, ўз саъй-ҳаракатлари

билан ранг-баранг кўрсатувлар орқали кўплаб мухлисларига эга бўляпти.

— Муслимбек ака, айтингчи, «Дийдор ширин» кўрсатувининг ҳаётингиздаги ўрни қандай?

— Айни дилдаги саволни бердингиз. «Дийдор ширин» 2010 йилда «Йилнинг энг яхши телелойҳаси»ни олишга муваффақ бўлган. Шу кўрсатув орқали элга янада кўпроқ танилдим. Насиба Мақсудова билан бирга 470 та номзод топширган 8300 та ижодий ишлар орасида бизнинг кўрсатувимиз журналистларнинг нуфузли «Олтин қалам» мукофотига сазовор бўлди. Турон Фанлар академияси аъзолигига қабул қилиндим...

— Ижодкор сифатида ҳозирда қандай асарларни нашрга тайёрляпсиз?

— Исая Калашниковнинг 900 бетлик катта ҳажмдаги «Шафқатсиз аср» романининг биринчи томи таржимасини яқунлаб, иккинчи томи устида иш олиб боряпман. Бундан ташқари газеталар, журналларда чиққан мақолаларим, суҳбатларимни жамлаб, «Силсила» китобини тайёрлаб, нашриётга топширдим. Ундан суҳандонлар, хонанда, театр актёрлари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги материаллар ўрин олган. Шунингдек, ҳамфикр, ҳаммаслагим Насиба Мақсудова билан «Дийдор ширин»ни янада қизиқарли тайёрлаш, халқ дилидан ўрин олган инсонларни кўрсатувимизга таклиф этиш бора-сида ҳаракат қиламан.

— Марокли суҳбат учун ташаккур, ижодингиз янада гуллаб-яшнасин.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди

ЯРМАРКА ЯҚУНЛАНДИ. ИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмаркада «Узинфоком» маркази томонидан намойиш этилган «e-komptul.uz» портали ҳам катта қизиқиш уйғотди. У уй-жой-коммунал хўжалигига тааллуқли барча маълумотларни, шунингдек, бир қанча интерфаол хизматлар, чунончи, коммунал хўжалиги органларига мурожаат қилиш, истеъмолчи ҳисоб-рақамнинг ҳолати тўғрисида ахборот олиш хизматларини кўрсатади. Муҳими, бу порталдан барча фуқаролар бепул фойдаланиши мумкин.

Ярмарка доирасида бўлиб ўтган уч илмий-амалий семинарда инновацион тараққиётнинг ҳудудий муаммолари, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун янги технология ҳамда ишланмалар, шунингдек, ёш олимлар ва талабалар салоҳиятини инновация фаолиятини ривожлантиришга жалб қилиш бўйича долзарб масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистонда инновация фаолиятини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси унда тақдим этилган барча асосий тармоқлар ва йўналишларни ўз ичига олган етти номинация бўйича энг яхши инновация лойиҳаси учун танлов ғолибларини муҳофатлаш билан яқунлади.

Фундаментал, амалий илм-фан, инновация фаолияти ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда иқтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу жараёнга Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**Анна ИВАНОВА,
Меҳрибон МАМЕТОВА**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): **«Чет тиллари»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бухгалтерия ҳисоби»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бизнес ва тадбиркорлик»** доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбек ва рус тиллари»** катта ўқитувчи; **«Аудит»** доцент, катта ўқитувчи; **«Жисмоний маданият ва спорт»** катта ўқитувчи; **«Банк иши»** катта ўқитувчи; **«Молия»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Лойиҳаларни молиялаштириш»** доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбекистон тарихи»** доцент, катта ўқитувчи; **«Информацион-коммуникацион технологиялар»** катта ўқитувчи; **«Молиявий таҳлил»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** доцент, катта ўқитувчи; **«Солиқлар ва солиққа тортиш»** катта ўқитувчи; **«Иқтисодиёт назарияси»** доцент, катта ўқитувчи; **«Статистика»** катта ўқитувчи; **«Молия бозори ва қимматли қоғозлар»** профессор, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Минтақавий иқтисодиёт»** катта ўқитувчи; **«Банк ҳисоби ва аудити»** доцент, катта ўқитувчи; **«Қасбий таълим»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий менежмент»** доцент, катта ўқитувчи; **«Бюджет ҳисоби»** катта ўқитувчи; ўқитувчи (ассистент) лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳқўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99
358-84-08

«K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!
Савдога Ўчтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.05.2012 йил 10-1219/5210-сонли ва 09.04.2012 йилдаги 10-1209/2206 сонли иқро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Ўчтепа тумани, Каттортол 1-тор кўчаси, 12-А-уйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино тақроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 154 374 277,48 сўм.
Савдо 2013 йил 16 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнларни соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 14 май кунини соат 18:00.
Кўчмас мулклар билан тегишли суд икромчилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатидеда иқро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМХС» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Саёбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 хўрга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўлмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52 www.1kms.uz Лицензия: РИ-0001.

Тошкент шаҳар, Ўчтепа туманидаги 78-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 йилда Аль-Шаами Ахмед Шариф номига берилган U № 5189186 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 327-умумтаълим мактаб томонидан 2006 йил 26 июнда Турсунов Камолитдин Рихсивой ўғлига берилган № 2299084 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раҳбарияти ва жамоаси миллий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Валюта операциялари бошқармасининг бош мутахассиси Альфия Аминовна Мельбетдинованинг онаси
Нияфара Вагизовна ХИСАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

